



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 30 » июль

№ 460

Toshkent sh.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Бизнес ва тадбиркорлик, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви, менежмент соҳасида бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини халқаро стандартларга мувофиқ тубдан такомиллаштириш ва уларнинг профессионал савиясини ошириш, шунингдек, бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этишни илмий-методик кўллаб-куватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 мартағи ПФ-5975-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги **Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги **Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази** Ўзбекистон Республикаси **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига** (кейинги ўринларда – Иқтисодий тараққиёт вазирлиги) ўтказилганлиги ва уларнинг негизида **Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби** (кейинги ўринларда – Олий мактаб) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Олий мактабнинг асосий вазифалари ва фаолият ўйналишлари этиб белгилансин:

республика иқтисодиётини ривожлантиришга зарур бўлган бошқарув кадрлари, шу жумладан олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик, рақамли иқтисодиёт, рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши қурашиб, маркетинг, менежмент ва иқтисодиётнинг талаб юқори бўлган бошқа ўйналишлари бўйича магистрларни, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини шакллантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, товар ва молия бозорларида монопол мавқега эга бўлган корхоналарга кўлланилган имтиёз ва преференциялар самарадорлигини баҳолаб бориш ва тегишли масалалар бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

ҳалқаро эътироф этилган хорижий олий ўкув юртларининг етакчи профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда, корпоратив ва лойиха бошқаруви ҳамда бошқа соҳаларда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳамкорликда дастурларни (joint programs) амалга ошириш;

аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши бўлган қатламларини ҳамда тадбиркорларни бизнес ва тадбиркорлик кўнималари бўйича қисқа муддатли пулли, хусусан, кейинчалик бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ўқитишни ташкил этиш;

оилавий тадбиркорлик дастурлари орқали кредит олишни мўлжаллаган аҳоли қатламлари учун қисқа муддатли ўқитишни ташкил этиш;

аҳоли ҳамда тадбиркорларга тадбиркорлик ва бизнесга оид ўкув материалларини (жумладан, электрон шаклда) тайёрлаш.

3. Куйидагилар:

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги худудий филиалларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Васийлик кенгаси таркиби 3-иловага мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасига ўқишига қабул қилиш ва уни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасини тамомлаганлик тўғрисидаги давлат дипломининг намунаси 5-иловага мувофиқ;

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг қисқа муддатли малака ошириш курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат намунаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Иқтисодий тараққиёт вазирлиги Олий мактабнинг муассиси ҳисобланади;

Олий мактаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув олий мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика марказининг барча хуқуqlари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича хуқукий вориси ҳисобланади;

Олий мактаб корпоратив бошқарув ва лойиха бошқаруви, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Олий мактаб директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Олий мактабга Иқтисодий тараққиёт вазирлиги билан келишган ҳолда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб вазирликлар, идоралар ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжлари ва стратегик ривожланишидан келиб чиқсан ҳолда, соҳавий хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма “икки диплом” (**double degree**) модели асосида магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни ҳамда илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашни ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Куйидагилар Олий мактаб фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;
хўжалик фаолияти, хизматларни тижоратлаштириш ва экспорт қилиш, инновацион фаолият натижалари, стартап лойиҳалар асосида тушадиган маблағлар;

бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига ва молия бозоридаги бошқа воситаларга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Олий мактаб раҳбарияти (директор ва унинг ўринbosарлари), профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш, илмий даражага бериладиган қўшимчалар ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш мақсадида Олий мактабнинг бюджетдан ташқари Ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Олий мактаб жамғармаси) ташкил этилсин ва унинг молиявий манбаи этиб тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар белгилансин.

Олий мактаб жамғармаси бюджет маблағлари (бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдорида назарда тутилган) билан бир қаторда тўлов-контракт асосида тушадиган маблағлари ҳисобидан Олий мактаб раҳбарияти (директор ва унинг ўринbosарлари), профессор-ўқитувчилари ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 185 фоизигача миқдорида ташкил этилсин.

Олий мактаб жамғармасининг маблағлари Олий мактаб штатидаги бошқарув, профессор-ўқитувчилар ва ходимларга тариф ставкасининг 200 фоизгача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгилашга йўналтирилсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) мазкур қарор 2-бандининг олтинчи – саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва Иқтисодий тараққиёт вазирлиги хузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куvvватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Олий мактаб ва унинг худудий филиаллари томонидан аҳоли ва тадбиркорлар учун ўқув курсларини ташкил этишда фойдаланиладиган давлат мулки бўлган бино ва хоналарнинг майдонларига ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари аудиторияларида текин фойдаланиш асосида ва коммунал хизматлар тўловисиз ўқув курсларини ўtkазишга руҳсат этилади;

в) Олий мактаб магистратурасида таълимнинг кечки шаклида таҳсил олаётган тингловчилар билан тузилган амалдаги шартномалар белгиланган муддатгача ўз кучида қолади.

9. Иқтисодий тараққиёт вазирлиги:

а) икки ҳафта муддатда Олий мактаб уставини белгиланган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

б) бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимларлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Олий мактаб худудий филиалларини жойлаштириш чораларини кўрсин;

в) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Олий мактабнинг профессор-ўқитувчилари таркибини танлаб олиш тартибини белгиланган тартибда тасдиқласин;

бир ой муддатда Олий мактаб ходимларини аттестациядан ўтказсин ва юқори даражадаги зарур замонавий билимларга ва кўнишка ҳамда иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва педагогик мутахассислар билан таъминласин;

икки ой муддатда Олий мактабда ўқитишининг кредит-модуль тизими тўғрисидаги низомни, олий таълимнинг сиртқи ва масофавий таълим шаклида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларини, фан дастурларини ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Олий мактаб:

а) қуйидаги мажбурий жўнатмалар реестрига киритилсин:

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, Давлат статистика қўмитаси, молия, иқтисодий тараққиёт, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура, Олий суд, бошқа вазирликлар ва идораларнинг статистик маълумотлари;

ижтимоий-иқтисодий соҳадаги хорижий матбуот шарҳлари, шу жумладан Иқтисодий тараққиёт вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солик тадқиқотлари институтининг таҳлилий маълумотномалари;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қўшимча хукумат алоқаси ва зарур алоқа канали ҳамда кенг полосали Интернет тармоғи билан таъминланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан “Электрон таълим” миллий тармоғига ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий лицензияланган ахборот-кутубхона ресурслари фондларига кириш имконияти билан таъминланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Иқтисодий тараққиёт вазирлиги йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирамасдан икки ҳафта муддатда қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабининг ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика марказининг:

Олий мактабга ўтказилаётган автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идораларида қайта рўйхатдан ўтказсин;

кўчмас мулк обьектларига бўлган хуқуқларини Олий мактабга белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

12. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Иқтисодий тараққиёт вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2021 йилдан бошлаб эса – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.


15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири




А. Арипов

**Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг
тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” июл даги 460 сон қарорига
2-илова

**Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги худудий филиалларининг
намунавий тузилмаси**



*Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлардан ташқари):
жами – 8 нафар, шу жумладан: бошқарув ходимлари – 6 нафар, профессор-ўқитувчилар таркиби – 2 нафар*

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” июл даги 460 сон қарорига
3-илова

**Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Васийлик кенгаши
ТАРКИБИ**

- | | |
|-----------------------|---|
| 1. Ж.А. Қўчкоров | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, <i>васийлик кенгаши раиси</i> |
| 2. А.Ж. Ортиков | – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари, <i>васийлик кенгаши раисининг ўринбосари</i> |
| 3. Ж.И. Аbruев | – молия вазирининг ўринбосари |
| 4. Ж.Т. Мирзамахмудов | – энергетика вазирининг биринчи ўринбосари, “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси |
| 5. И.Р. Маҳкамов | – транспорт вазирининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчиси |
| 6. О.А. Пекось | – ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари |
| 7. У.Ш. Бегимқулов | – олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг ўринбосари |
| 8. С.Х. Бекенов | – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори |
| 9. А.О. Камалов | – Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти мудири |
| 10. Ж.Ш. Салихов | – Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ректори |
| 11. М.М. Джалалов | – Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ректори вазифасини бажарувчиси |
| 12. О.Б. Юлдашев | – “Praysvoterxaus Kupers” МЧЖ аудиторлик ташкилоти раҳбари |
| 13. Ш.Р. Акбаров | – Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси етакчи менежери |
| 14. лавозими бўйича | – Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори |
| 15. лавозими бўйича | – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директори, <i>васийлик кенгаши котиби</i> |

Изоҳ. Кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушибу лавозимга янги тайинланган ёхуд мазкур лавозим вазифаларини бажарарни юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” июл даги 460-сон карорига
4-илова

**Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасига
ўқишига қабул қилиш ва уни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб) магистратурасига ўқишига қабул қилиш ва уни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий мактаб магистратурасида (кейинги ўринларда – магистратура) бошқарув кадрлари ишлаб чиқаришдан ажralган ва ажralмаган ҳолда, олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ меъёрий ва қисқартирилган муддатларда ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўлов-контракт асосида тайёрланади.

Магистратурада ўқиши тамомлагандан кейин тегишли мутахассислик бўйича магистр даражасини берувчи давлат намунасидаги ҳужжат берилади.

3. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда таълим кундузги шаклда амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим сиртқи шаклларда, шу жумладан масофавий ўқитишни қўллаш билан амалга оширилиши мумкин.

4. Магистратура дастурлари бўйича ўқитиш ихтисослашган етакчи хорижий таълим муассасалари билан тузилган халқаро келишувларда назарда тутилган ўкув режалари, дастурлар ва жадваллар асосида “икки диплом” (double degree) модели бўйича амалга оширилиши мумкин.

Номзодлар магистратурага ўқишига “икки диплом” (double degree) модели бўйича халқаро келишувлар талабларига мувофиқ қабул қилинади.

“Икки диплом” (double degree) модели бўйича ўқишини битиргандан сўнг хорижий таълим муассасасининг дипломи ва тегишли мутахассислик бўйича давлат намунасидаги магистр даражаси дипломи берилади.

5. Магистратурада бошқарув кадрлари олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тўлов-контракт ҳамда хорижий ва маҳаллий ташкилотларнинг грантлари асосида, “Бизнесни бошқариш” (Master of Business Administration-MBA) мутахассислиги бўйича икки йиллик ва “Лойиха бошқаруви” (Project Management) мутахассислиги бўйича бир йиллик таълим дастури бўйича тайёрланади.

Ўқиши муддати ва шакллари Олий мактаб томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

6. Магистратурага хўжалик бирлашмалари, акциядорлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий давлатлар фуқаролари ҳисобланган, олий маълумотга (бакалавр дипломи мавжуд бўлганда) ва олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин камидаги уч йил иш стажига эга 45 ёшгача бўлган (ўқитишининг фақат кундузги шаклига) раҳбар ходимлари ва мутахассислари сухбат ва тест синовлари натижалари бўйича очик танлов асосида қабул қилинади.

7. Номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, шунингдек, кириш имтиҳонлари ўқиш йилида бир марта (ёзги қабул даврида) амалга оширилади.

8. Магистратурага ўқишга барча учун тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул коидалари ва ягона танлов принциплари асосида қабул қилинади.

9. Магистратурада ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш даврида магистратура тингловчиларининг эгаллаб турган иш ўринлари (лавозимлари) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Бунда иш берувчи тасдиқланган иш ҳақи фонди доирасида магистратурада таълим олаётган тингловчининг ўқишни тамомлаш даври якунига қадар муддатга тузилган шартнома асосида бошқа ходимларни тегишли иш жойига қабул қилиши мумкин.

2-боб. Олий мактаб магистратурасига қабул қилиш ва ўқишни ташкил этиш

10. Магистратурага ўқишга қабул қилишнинг йиллик квотаси Вазирлик томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

Инглиз тилини B2 ва ундан юқори даражада билишини тасдиқловчи амалдаги миллий малака сертификати ёки CEFR (Common European Framework of Reference) бўйича B2, IELTS (International English Language Testing System) бўйича 5,0 балл, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) бўйича 72 баллдан кам бўлмаган даражада инглиз тилини билишини тасдиқловчи халқаро сертификатларга эга бўлган, шунингдек, олий таълим муассасаларини инглиз таълим тилида битирган номзодлар инглиз тили бўйича имтиҳон топширишдан озод қилинади. Уларга мазкур фандан белгиланган максимал балл берилади.

11. Магистратурага қабул қилишни ташкил этиш учун қабул комиссияси (кейинги ўринларда – комиссия) ташкил этилади. Комиссия аъзоларининг таркиби, шунингдек, иш регламенти Олий мактаб директори томонидан Вазирлик билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

12. Комиссия тингловчиларни магистратурага сухбат ва тест синовларини ўтказиш йўли билан қабул қилишни ташкил этади.

13. Номзодлар учун сухбатни амалга ошириш бўйича фанлар рўйхати комиссия томонидан аниқланади. Тест синовларини амалга ошириш бўйича фанлар рўйхати комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) билан келишган ҳолда белгиланади. Тест синовлари Олий

мактаб ва Давлат тест маркази келишган ҳолда ишлаб чиқилган низом талаблари асосида Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

14. Магистратурага қабул танлов асосида икки босқичда ўтказилади:

1-босқич – номзодлар томонидан бошқарув кўникумаларини эгаллаганлик даражаси, мантикий, тизимли ва таҳлилий фикрлаш қобилияtlарини баҳолаш, шунингдек, уларнинг етакчилик сифатларини аниқлаш нуқтаи назаридан сұхбатлар ўтказиш;

2-босқич – Олий мактабда мавжуд мутахассисликлар бўйича Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларидан ўтиш.

15. Сұхбатларнинг мавзулари ҳамда тест синовлари фанлари бўйича ўкув дастурлари Олий мактаб Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда кириш сұхбатлари ва тест синовлари бошланишига қадар камидан бир ой аввал Олий мактабнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида (кейинги ўринларда – веб-сайт) чоп этилади.

16. Магистратурага кириш истагини билдирган номзодлар комиссияга ва веб-сайт орқали Олий мактаб директори номига қўйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қиласи:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари биринчи раҳбарларининг имзоси қўйилган тавсия хати;

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

4x6 ўлчамдаги рангли фотосурат;

086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;

паспорт (имтиҳон вақтида асл нусхаси тақдим этилади);

инглиз тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат (агар мавжуд бўлса).

Магистратурага кириш имтиҳонларидан (сұхбат ва тестдан) муваффақиятли ўтган номзодлар юкорида кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини Олий мактабга тақдим этади.

3-боб. Номзодларнинг сұхбатдан ўтиш тартиби

17. Номзодлар билан сұхбат Олий мактаб директорининг буйруги билан Вазирлик вакиллари ва Олий мактабнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда бошқа олий ўкув юртлари ўқитувчиларидан иборат таркибда тузиладиган махсус комиссия (кейинги ўринларда – махсус комиссия) томонидан ўтказилади.

18. Номзодлар билан сұхбат бошқарув кўникумаларини эгаллаганлик, мантикий, тизимли ва таҳлилий фикрлаш қобилияtlари савиясини баҳолаш ҳамда уларнинг етакчилик сифатларини аниқлаш нуқтаи назаридан вазиятларга хос вазифаларни ҳал этиш ва шахсий мулоқот шаклида ўтказилади.

19. Махсус комиссия аъзоларининг таркиби, иш регламенти, шунингдек, сухбат ўтказиш қоидалари ва унинг якунлари бўйича билимларни баҳолаш мезонлари Вазирлик билан келишилган ҳолда Олий мактаб директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

20. Сухбат натижалари 100 балли тизим бўйича баҳоланади. Номзодлар билан сухбат якунларига кўра, махсус комиссия томонидан тегишли баённома тузилади.

21. Номзодларни Олий мактабга қабул қилиш учун тавсиянома тўғрисида махсус комиссиянинг қарори тасдиқланган квоталардан келиб чиқсан ҳолда, номзодлар сухбат якунлари бўйича тўплаган баллари асосида қабул қилинади.

22. Сухбат якунлари бўйича энг юқори баллнинг камидаги 25 фоизини тўплаган номзодлар сухбатдан ўтган хисобланади.

23. Сухбат натижалари бўйича номзодларнинг шикоятлари улар эълон қилинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида комиссияга тақдим этилади.

Шикоятни кўриб чиқиш муддати номзод томонидан шикоят берилган санадан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

4-боб. Номзодларнинг тест синовларидан ўтиш тартиби

24. Олий мактабга қабул қилиш учун тест синовларини ўтказиш ва ташкил қилиш тартиби Давлат тест маркази томонидан Олий мактаб билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

25. Тест синовлари учун саволлар Давлат тест маркази томонидан кириш имтиҳонлари бўйича ўкув дастурлари асосида тузилади.

26. Тест синовларининг натижалари 100 балли тизим бўйича баҳоланади. Тест синовларининг натижалари ведомостларга киритилади ва улар Давлат тест маркази директори томонидан имзоланиб, Олий мактабга тақдим этилади.

27. Номзодларнинг тест синовлари натижалари бўйича шикоятлари натижалар эълон қилинган санадан кейин уч иш куни мобайнида Давлат тест марказига тақдим этилади.

Шикоятни кўриб чиқиш муддати номзод томонидан шикоят берилган санадан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

28. Номзодларнинг кириш сухбати ва тест синовларидан такроран ўтишига йўл қўйилмайди.

29. Магистратурага қабул қилиш шартлари, ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари магистратурага ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугашидан камидаги бир ой олдин веб-сайтда оммавий эълон қилинади.

30. Номзодлар мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, магистратурага қабул қилиш учун ўтказиладиган кириш имтиҳонларида иштирок этишига йўл қўйилади.

31. Магистратурага қабул қилиш учун ўтказиладиган кириш имтиҳонларида иштирок этишга йўл қўйилганлар рўйхати веб-сайтда эълон қилинади.

32. Магистратурага кириш имтиҳонларини муваффакиятли топширган номзодлар рўйхати веб-сайтда эълон қилинади.

33. Комиссиянинг номзодларни магистратурага қабул қилиш ҳақидаги қарори асосида номзод (ташкilot) билан тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тегишли шартнома тузилади.

34. Шартнома шартлари, томонларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари, тўловларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади ва веб-сайтда эълон қилинади.

35. Белгиланган намунадаги шартнома бланкалари Олий мактаб томонидан магистратурага кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилинганидан кейин берилади.

36. Тингловчилар магистратурага комиссия қарорига мувофиқ шартномада белгиланган муддатларда тўлов-контракт суммаси тўланганидан кейин Олий мактаб директорининг буйруғи билан қабул қилинади.

37. Номзод томонидан тўлов-контракт суммаси шартномада кўрсатилган муддатда тўланмаган тақдирда, унинг ўрнига тўпланган баллар сони бўйича навбатдаги номзод қабул қилинади.

38. Тингловчилар Олий мактабнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги ёки академик қарздорлик сабабли тингловчилар сафидан чиқарилган тақдирда, мазкур тингловчи учун амалга оширилган тўлов-контракт суммаси қайтарилмайди.

39. Магистратурага кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Олий мактаб маблағлари ҳисобидан қопланади.

40. Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш регламенти Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Апелляция комиссиясининг таркиби комиссия ва маҳсус комиссия фаолиятида иштирок этмаган шахслар орасидан шакллантирилади.

Зарурат туғилганда, Давлат тест марказининг масъул ходими ёки эксперти тест синовлари бўйича жавобларни асослашга жалб этилиши мумкин.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятини уч иш куни ичидаги кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида номзодга шу куннинг ўзида шикоятни қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш масаласини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар беради.

41. Номзод апелляциясининг кўриб чиқилишида шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

42. Номзодлар Апелляция комиссияси қарори бўйича уч иш куни мобайнида Олий мактабнинг Васийлик кенгашига шикоят қилиши мумкин.

Васийлик кенгаши шикоятни Олий мактаб уставида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

5-боб. Олий мактаб ўкув курсларига қабул қилиш ва ўқитиш

43. Олий мактабда ўкув курслари ўқиши тамомлагандан кейин тегишли тасдиқловчи хужжатлар (давлат намунасидаги сертификат) бериладиган маҳсус таълим дастурлари асосида ўтказилади.

44. Олий мактаб маҳсус таълим дастурлари асосида:

халқаро миқёсда тан олинган бизнес таълими дастурлари асосида замонавий менежмент ва етакчилик кўникмаларига эга бўлган, бизнесни юритишининг барча жабҳаларини яхши биладиган, рақобат шароитида самарали бошқариш ва тармоқларни ривожлантиришга қодир бўлган профессионал бошқарув кадрларини (менеджерларини), шунингдек, бизнес ва тадбиркорлик, корпоратив ва лойиҳа бошқарувчи, менежмент, хусусийлаштириш, халқаро молиявий хисобот, суд бошқарувчиси, давлат-хусусий шерикчилик, комплаенс ва аудит йўналишлари бўйича хўжалик бирлашмалари, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлик субъектларининг олий маълумотга эга бўлган (дипломли мутахассис, бакалавр) юқори ва ўрта бўғин раҳбарларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни;

белгиланган намунаидаги сертификат берилган ҳолда, корпоратив бошқарувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда уларга корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш бўйича ўкув курсларини ташкил этади.

Тингловчилар ўкув курсларида тузилган шартномалар асосида ўқитилади.

45. Ўкув курсларининг қиймати Вазирлик билан келишилган ҳолда, Олий мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Ўкув курсларини ўтказиш санаси, давомийлиги, таълим шакли, шартнома шартлари, тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, тўловларни амалга ошириш тартиби ва ўкув курслари бўйича бошқа маълумотлар Олий мактаб директори томонидан тасдиқланади.

6-боб. Якунловчи қоида

46. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” июл даги 460-сон қарорига
5-илова

**Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасини тамомлаганлик
тўғрисидаги давлат дипломининг намунаси**

(тидул вараги)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИНИНГ ТАСВИРИ

BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI

GRADUATE SCHOOL OF BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP

(1-бет)

BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI

MAGISTR DIPLOMI

№ 000000

Davlat attestatsiya komissiyasining

20 ____ yil “____” _____ dagi _____ son qaroriga binoan

ga

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____ magistri

darajasi berildi

Davlat attestatsiya

komissiyasi raisi

Direktor

M.O. Qayd raqami № _____

Toshkent sh., 20 ____ yil “____” _____

(berilgan sana)

(2-бет)

GRADUATE SCHOOL OF BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP
MASTER'S DIPLOMA

_____ № 000000

In accordance with the decision of the State Attestation Commission

№ _____ of “___” 20 ____

Is awarded degree of

Chairman of the State
Attestation Commission
Director



P.S. Registration № _____
Tashkent “___” 20 ____

Олий маълумот тўғрисидаги магистр дипломи иловаларининг давлат намунаси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



№ 000000
DIPLOMGA ILOVA

DIPLOMA SUPPLEMENT

(diplomsiz ilova haqiqiy
hisoblanmaydi/not valid without diploma
about the degree)

1. DIPLOM SOHIBI HAQIDA MA'LUMOTLAR/ INFORMATION ABOUT THE DEGREE HOLDER

- 1.1 Familiyasi/Surname 1.2 Ismi, otasining ismi/Name, other name
1.3 Tug'ilgan sana/Date of birth 1.4 Tinglovchining identifikatsiya raqami va
kodi/ Student's identification number and
code
1.5 Avvalgi ta'lif haqida hujjat/Previous education document

2. MALAKASI HAQIDA MA'LUMOTLAR / QUALIFICATION

- 2.1 Malakasining (darajasining) nomi, berilgan sanasi/Qualification, date of
issue
Davlat attestastiya komissiyasining qarori/ Decision of the State Attestation
Commission

- 2.2 Ta'lif mutaxassisligi/Field of specialization
2.3 Kvalifikatsiyasi/Qualification

Oliy ta'lif muassasasining rekvizitlari: 2.4 Diplom bergan oliy ta'lif muassasasining nomi, tashkiliy-huquqiy shakli,
pochta manzili, shahar, ko'cha, uy raqami, ta'lif muassasasining turi/Awarding institution
telefonlari, elektron pochta manzili

Requisites of higher education institution: 2.5 Avval tahsil olgan oliy ta'lif muassasasining nomi va tashkiliy-huquqiy
postal address, city, street, house number, shakli, o'qitish davri/Former Institution administered studies.
telephone number, e-mail address

2.6 Ta'lif (imtihon) til(lar)i / Language(s) of instruction (examination)

3. TA'LIM DARAJASI HAQIDA MA'LUMOTLAR/INFORMATION ON THE LEVEL OF EDUCATION

3.1 Ta'lif darajasi/Level of education

3.2 Ta'lifning kunduzgi shakli bo'yicha dasturni o'zlashtirish muddati/Length of full-time programme.

3.3 O'qishga kiruvchilarga qo'yiladigan talab(lar)/Admission requirement(s)

4. TA'LIMNING MAZMUNI VA ERISHILGAN NATIJALAR HAQIDA MA'LUMOTLAR / INFORMATION ON THE CONTENTS OF STUDY AND GRADES OBTAINED

4.1 Ta'lif shakli/Type of study

4.2 Ta'lif dasturining tavsifi/Curriculum description

Tinglovchining F.I.O./Student full name

4.3 Ta'lrim dasturini o'zlashtirish natijalari haqida ma'lumotlar/Programme details and grades obtained

T/p	Fan (modul)ning nomi	Course title	Kreditning umumi miqdori/ Total credits in the curriculum	Baholash/Grade
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				
12.				
13.				
14.				
15.				
16.				
17.				
18.				
19.				
20.				
21.				
JAMI / TOTAL				
Kurs ishlari /Course papers:				
1.				
2.				
3.				
4.				
Malakaviy amaliyot/ qualification practice				
1.				
2.				
3.				
4.				
Yakuniy davlat attestatsiyalari/ Final state attestation				
1.				
2.				
3.				
4.				
Magistrlik dissertatsiyasi)/ Master's dissertation				

4.4 Oliy ta'lim muassasasida baholash tizimi/Grading system at higher education institution

4.5 Diplom haqida qo'shimcha ma'lumotlar/Additional information to the degree

5. DIPLOM BILAN BERILADIGAN HUQUQ VA IMTIYOZLAR / RIGHTS AND PRIVILEGES PROVIDED BY THE DEGREE

5.1 Ta'limni davom ettirish imkoniyatlari/Access to further study

5.2 Kasbga oid huquqiy maqomi/Professional status

6. QO'SHIMCHA MA'LUMOTLAR/ADDITIONAL INFORMATION

IMZO VA MUHR/SIGNATURE AND SEAL

Direktor/Director

Diplomga ilova

Diploma supplement

Ro'yxat raqami/ Registration number

Berilgan vaqt/ Date of issue

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “30” июл даги 460-сон қарорига
6-илова

**Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг қисқа муддатли малака ошириш
курсларини тамомлаганлик түғрисидаги сертификат намунаси**

(титул вараги)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИНИНГ ТАСВИРИ

BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI

GRADUATE SCHOOL OF BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP

1-бет

BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI

SERTIFIKATI

№ 000000

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

“_____” yo’nalishi bo'yicha o'quv kurslarini muvaffaqiyatli tugatdi

Direktor

M.O. Qayd raqami № _____
Toshkent sh., 20____ yil “____” _____
(berilgan sana)

(2-бет)

GRADUATE SCHOOL OF BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP

CERTIFICATE

№ 000000

successfully completed the course “_____”

Director

P.S. Registration № _____
Tashkent “__” ____ 20 __

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “**30** **июл** даги **460** сон қарорига
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 27 октябрдаги 305-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 94-модда).
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг Тадбиркорлар учун ўкув курслари ташкил қилиш ва ўtkазиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги 602-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 32-сон, 816-модда).
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлар учун ўкув курслари ташкил қилиш ва ўtkазиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги 602-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 20 декабрдаги 1002-сон қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644-сон, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5650-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4136-сон қарори)” 2019 йил 13 майдаги 397-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 5-сон, 98-модда) илованинг 61-банди.

